Ватан севмак иймондандур!

# Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Нархи 10 сўм.

1993 йил 9 июнь, чоршанба

№ 105 (21.456).

## ЭЛЧИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

7 июнь куни Япониянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Укэру Магосаки Республикамиз Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

Укэру Магосаки Президент Ислом Каримовга Япония императори Акихитонинг саломини етказар экан, Япония ва Ўзбекистон халқлари ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш учун қўлидан келган ҳамма ишни амалга оширишини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Укэру Магосакини юксак лавозим билан қутлаб, элчи жанобларининг халқларимиз ўртасида сиёсий, иқтисодий, маданий, илмий-техникавий соҳалардаги ҳамкорлигини тараққий эттириш йўлида унга муваффақият тилади.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири С. Сафоев иштирок этди.

(ЎзА).

## *Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

### УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Кўп йиллик ҳалол меҳнати, уй-жой-коммунал хўжалигини ривожлантиришдаги хизмати ҳамда жамоат турмушида фаол иштирок этгани учун қуйидагиларга Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари берилсин:**

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АҲОЛИГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ СОҲАСИ ХОДИМИ»**

**Жўраев Бахтиёр Ҳайдарович** — Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани уй-жойлардан фойдаланиш бирлашмасининг бош директори

**Саидикромов Қаҳрамон Нишонович** — Андижон шаҳар троллейбус бошқармасининг ҳайдовчиси

**Толипов Мирзахол** — «Тошвилоятгаз» ишлаб чиқариш бошқармаси «Зангиотагаз» идорасининг электр газ-пайвандчиси

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚУРУВЧИ»**

**Мамбетмуротова Қизларгул** — «Қорақалпоққўкаламзорқурилиш» бошқармасининг бригада бошлиғи

**Муродов Файзулло** — Самарқанд вилояти таъмирлаш-қурилиш бошқармасининг сувоқчиси

**ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:**

**Аббясов Алижон Харисович** — «Ўзкоммуниссиқликманбатаъмир» ихтисослашган таъмирлаш бошқармаси Тошкент участкасининг бошлиғи

**Азимов Ҳамид** — Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар 31-таъмирлаш-қурилиш бирлашмасининг ғишт терувчи пардозловчиси

**Арақулов Қодиржон** — Андижон вилояти «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш бошқармасининг ҳайдовчиси

**Аҳмедов Ҳамидулла Аҳматович** — Тошкент вилояти уй-жой-коммунал хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи

**Давронов Раҳмон** — Самарқанд вилояти уй-жой-коммунал хўжалиги ишлаб чиқариш бирлашмаси «Ёдгорлик» корхонасининг сангтароши

**Зокиров Носир Обидович** — «Ўзбекгаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари

**Ибрагимов Алижон** — Наманган шаҳар троллейбус бошқармасининг ҳайдовчиси

**Икромова Дилором Исломовна** — Тошкент шаҳар «Ўзбеккоммуналлойиҳа» институти 2-сув таъминоти ва оқавасув бўлимининг етакчи муҳандиси

**Исмоилов Орзиқул Очилович** — Жиззах шаҳар уй-жой-коммунал хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бригада бошлиғи

**Маматова Бодом** — Қарши шаҳар уй-жой-коммунал хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг фарроши

**Матёкубов Зурапшо Отаназарович** — Хива шаҳар коммунал хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармаси пудратчи санитария-тозалаш корхонаси махсус автобазасининг ҳайдовчиси

**Мирмуҳамедов Миркомил Мирзаевич** — Тошкент шаҳар Юнусобод тумани уй-жойлардан фойдаланиш бирлашмасининг тезкор тузатиш-тиклаш хизмати бошлиғи

**Муқтумов Бахшилло Ҳайдарович** — Бухоро вилояти Когон шаҳар коммунал санитария-тозалаш идорасининг ҳайдовчиси

**Рўзиев Исмоилжон** — Андижон вилояти «Сувоқава» ишлаб чиқариш бирлашмасининг чилангари

**Содиқов Дилмурод Орипович** — Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани уй-жойлардан фойдаланиш бирлашмасининг чилангари

**Хвалев Владимир Александрович** — Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар уй-жой-коммунал хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг автомашина ҳайдовчиси

**Холдоров Носирхон Зокирхўжаевич** — Наманган вилояти «Косонсойгаз» идорасининг техника назорати устаси

**Холмирзаев Собитбой** — Наманган вилояти 3-таъмирлаш-қурилиш ишлари бошқармасининг бошлиғи

**Шарипов Ботир** — Жиззах вилояти «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш бошқармаси иссиқлик тармоқларини таъмирловчи чилангарлар бригадасининг бошлиғи

**Шаяхметова Соҳиба Нурлиевна** — Тошкент вилояти уй-жой-коммунал хўжалиги ишлаб чиқариш бирлашмаси Олмалиқ автойўлмехбазасининг юкчиси

**Эргашев Камол** — «Жиззахвилоятгаз» ишлаб чиқариш бошқармаси газлаштириш идорасининг электрпайвандчиси

**Юсупова Орифа** — Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани уй-жойлардан фойдаланиш бирлашмасининг фарроши

**Қодиров Шавкат Қамбарович** — Фарғона вилояти уй-жой-коммунал хўжалиги ишлаб чиқариш бирлашмаси Қўқон махсус автобазасининг тракторчиси

**Қосимов Маҳматқул** — Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар уй-жой тресты хўжалик ҳисобидаги қурилиш бошқармасининг ишчиси

**Ҳокимов Ҳалим Раҳимович** — Бухоро вилояти «Сувоқава» ишлаб чиқариш бошқармасининг таъмирловчиси

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 1993 йил 4 июнь.



**Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси шу кунларда халқимизга кўплаб кийим-кечаклар етказиб бериш учун ҳаракат қилаётир. Корхонанинг пешқадам тикувчиларидан Д. Сотиболдиева билан А. Амирова ойлик топшириқларини мунтазам ошириб бажаришмоқда. Шу боис бозор иқтисодиёти шароитида ҳам мўмай даромад олишмоқда.**

**Суратда: илғор тикувчилар Д. Сотиболдиева билан А. Амирова.**

**Абдусаттор ТЎРАЕВ олган сурат.**

## БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ ВАЗИФАЛАРИ

Тошкентнинг «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида жойлашган олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ҳамда талабаларининг ЎзХДП Собир Раҳимов тумани кенгаши қошидаги ҳудудий бошланғич ташкилоти навбатдаги партия мажлисини ўтказди. Унда «Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг Республика Олий Кенгаши XII сессиясида сўзлаган нутқида баён этилган қоида ва хулосалардан ҳамда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг VII пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида» ҳудудий бошланғич партия ташкилоти котиби А. Содиқов маъруза қилди.

Партия мажлисида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг иккинчи котиби М. Қирғизбоев сўзга чиқди. Марказий Кенгаш сиёсий ижроия қўмитаси аъзоси, Собир Раҳимов тумани ҳокими Ҳ. Абдураимов қатнашди.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.**

*• Партия ахбороти •*

## СИЁСИЙ ҲАМКОРЛИК САРИ

Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши ва Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Жиззах вилоят қўмитасининг қўшма пленуми бўлиб ўтди. Пленумда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи сессияси ва Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг еттинчи пленуми қарорлари ва вилоят партия ташкилотининг вазифалари ҳақида ХДП Жиззах вилоят кенгашининг биринчи котиби А. Азимов ва Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда Ўзбекистон ХДП ва Ёшлар Иттифоқи вилоят ташкилотларининг ҳамкорликдаги вазифалари ҳақида Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи вилоят қўмитасининг биринчи котиби К. Абдусатторовнинг маърузалари тингланди.

Кун тартибидаги масалалар муҳокамасида иштирок этган нотиқлар ўз сўзларида вилоятдаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоларини амалий фаолиятларида республика Президенти, ХДП раиси И. А. Каримовнинг тутган сиёсий йўли Ўзбекистоннинг истиқлол йўли билан якдилликларини изҳор этдилар ва ёшлар иттифоқи вилоят қўмитаси билан тузилаётган ҳамкорлик ўз навбатида ёшларнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни келажакнинг умидли ворислари қилиб етиштиришда муҳим аҳамиятга эга эканликларини таъкидладилар.

Пленумда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг иккинчи котиби М. Қирғизбоев, Жиззах вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А. Соатов нутқ сўзладилар. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Б. РИЗАЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ФОЙДАЛИ ФИКРЛАШУВ

**Яккабоғ районининг «Турон» жамоа ширкат хўжалигида ўтказилган ХДП бошланғич ташкилотлар котибларининг кўргазмали семинар-кенгашида партия вилоят кенгаши масъул ходимлари, шаҳар ва район партия кенгашининг биринчи котиблари ҳам иштирок этишди.**

Семинарда «Миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётга татбиқ этиш масалалари» шунингдек Ўзбекистон Олий Кенгаши ўн иккинчи сессияси якунлари ҳақида батафсил фикр юритилди. Бу тўғрида вилоят партия кенгашининг биринчи котиби, Ўзбекистон халқ депутати Фармон Омонов маъруза қилди.

«Турон» жамоа ширкат хўжалиги партия ташкилоти котиби Баҳриддин Жовлиев бошланғич партия ташкилотининг маъмурият билан ҳамкорликда олиб бораётган ибратли ишлари ҳақида ҳикоя қилди. Семинар-кенгаш унинг қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

ХДП вилоят кенгаши ана шундай кўргазмали семинар-кенгашни бундан кейин ҳар ойда шаҳар ёки район партия кенгаши тавсияси билан бирор бошланғич ташкилотда ўтказишга қарор қилди.

**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## РЕСПУБЛИКА АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Касаба уюшмалари федерацияси, Табиатни муҳофаза қилиш жамияти, фахрийлар ташкилотлари уюшмаси, Ўзбекистон «Ёдгорлик» тарихий-маданий мерос жамияти қайта рўйхатга олингани тўғрисида гувоҳнома топшириш маросими бўлди.

Республикада футболни ривожлантириш жамғармаси рўйхатга олингани ҳақидаги гувоҳнома ҳам топширилди.

Ана шу ташкилотларнинг вакилларига гувоҳномаларни Ўзбекистон Республикаси адлия вазири А. Мардиев топширди.

(ЎзА).




## ПРЕЗИДЕНТ АМСТЕРДАМГА ЖЎНАБ КЕТДИ

8 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Нидерландлар қироллиги Бош вазири Рудольф Люберснинг таклифига биноан расмий-амалий ташриф билан шу мамлакатга жўнаб кетди.

Ислом Каримов сафар олдидан тайёрагоҳда журналистлар саволларига жавоб бера туриб, Нидерландлар қироллиги айни пайтда дунёнинг ривожланган мамлакатларидан бири эканини қайд этди. Саноатни, айниқса, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида бу мамлакатда қўлланаётган технологиялар дунёнинг барча давлатлари каби Ўзбекистонда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда, деди Президент. — Сафардан мақсад — ушбу мамлакат билан ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтириш, жаҳон тажрибаларига таяниб, келажакда Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги, чорвачилик маҳсулотлари билан ўз-ўзини таъминлашига эришишдан иборат.

Тошкент аэропортида Ислом Каримовни республика Олий Кенгаши Раиси Ш. Йўлдошев, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов, Тошкент шаҳри ҳокими А. Фозилбеков, ташқи ишлар вазири С. Сафоев ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

(ЎзА).

## ПИЛЛАЧИЛАР ЗАФАРИ

ҚАШҚАДАРЁ вилояти пиллакорлари дастлабки ғалабани қўлга киритдилар. Давлат қабул пунктларига 2105 тонна ўрнига 2110 тонна юқори сифатли хом ашё топширилиб, бу соҳадаги йиллик режа ошириб адо этилди. Мавжуд 39530 қути ипак қуртидан ўртача 65 килограммдан пилла йиғиб териб олинди.

Режани биринчилардан бўлиб бажарган Нишон, Усмон Юсупов, Баҳористон, Касби, Косон, Муборак, Қарши, Ғузор, Қамаши районларида давлатга пилла топшириш қизғин давом этмоқда. Қашқадарёликлар ялпи пилла хирмонини 2300 тоннага етказишмоқчи.

**М. КАРОМОВ.**

НАВОИЙ вилояти кумуш тола ижодкорлари ҳам режани уддалашди. Эл хирмонига режадаги 900 тонна ўрнига 904 тонна юқори навли пилла ҳосили топширилиб йиллик режа 102 фоиз бажарилди. Шуниси қувончлики, юксак агробиология қоидалари асосида парвариш қилинган 17 минг 748 қути ипак қуртининг ҳар қутисидан ўртача 55 килограммдан қимматли саноат хом ашёси етиштирилди. Қўлга киритилган муваффақиятга пилла тайёрлаш режасини аллақачон уддалаган Хатирчи, Қизилтепа, Навбаҳор районн пиллакорлари муносиб ҳисса қўшдилар.

**М. ШАРОПОВ.**

## *Япониянинг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси* Укэру МАГОСАКИ

1943 йилда Хитойда туғилган.

1966 йилда Токио дорилфунунининг ҳуқуқшунослик факультетини битирган.

1966 йилда Япония ташқи ишлар вазирлигига ишга кирган.

1966 йилда Англиядаги ҳарбий мактабда ўқиган.

1967 йилда Лондон дорилфунунининг Шарқий Европа факультетида таълим олган.

1968 йилда Москва давлат дорилфунуни иқтисод факультетида билимини оширган.

1969-70 йилларда Япониянинг Москвадаги элчихонаси котиби бўлиб ишлаган.

1971 йилдан — Япония ташқи ишлар вазирлиги халқаро сиёсатни таҳлил қилиш бўлимининг ходими.

1974 йил — Япония саноат ва савдо вазирлиги, нефть қазиб чиқариш бўлими мудирининг ўринбосари, нефть саноатини режалаштириш бўлими мудирининг ўринбосари.

1976 йил — Япония ташқи ишлар вазирлиги иккинчи сонли Шарқий Европа бўлими мудирининг ўринбосари.

1976 йил — Япониянинг Лондондаги элчихонаси котиби.

1978 йил — Япониянинг Москвадаги элчихонаси котиби.

1980 йилдан бошлаб Япония ташқи ишлар вазирлиги Осиё сиёсатини режалаштириш бўлими мудирининг ўринбосари бўлиб ишлаган.

1983 йил — Япония ташқи ишлар вазирлиги маъмуриятини яхшилаш бўлимининг мудири.

1984 йил — Япония ташқи ишлар вазирлиги халқаро сиёсатни таҳлил қилиш бўлимининг мудири.

1985 йилда АҚШдаги Гарвард дорилфунуни халқаро муносабатлар институтида билимини оширади.

1986 йил — Япониянинг Бағдоддаги элчихонаси вазири, Ироқ.

1989 йил — Япониянинг Оттавадаги элчихонаси вазири, Канада.

1991 йил — тадқиқотлар миллий институти халқаро муносабатлар бўлимининг мудири.

1993 йил — Япониянинг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси.

Уйланган, икки фарзанди бор.

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги**

*• Шу сонга телеграмма*

## «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИ МУҲАРРИРИЯТИГА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Яккасарой районй кенгаши фаоллари республикамиздагина эмас, балки қўшни жумҳуриятларда ҳам севиб ўқиладиган «Ўзбекистон овози»нинг 75 йиллигини нишонлаш арафасида Сиз, азиз жонкуяр қаламкашларни бу улуғ сана билан табриклайдилар. Машаққатли, лекин юксак ва шарафли ишингизда улкан ютуқлар тилайдилар.

Севимли газетамизнинг республикамизда барқарорликни таъминлашдаги, миллатлар ўртасидаги дўстликни кучайтиришдаги, айниқса, юртимиз истиқлолини мустаҳкамлашдаги хизматлари беқиёсдир. Бу газета жамоаси кўп рўзномаларга ўрнак бўларли даражада миллий қадриятларимизни тиклаш учун тинмай меҳнат сарф қилаётир.

Кўпгина янги рўзнома ва ойномалар «Ўзбекистон овози»дан қанот ёздилар. Булар Сиз, азизларнинг мисли йўқ ютуқларингиздир. Ижодий жамоанинг янгичасига изланиши ва бунинг натижаси ўлароқ қатор қизиқарли мақолаларнинг эълон қилиниши биз муштарийларни хушнуд этяпти.

Эндиликда мазкур рўзнома Ўзбекистон Халқ демократик партияси амалий дастури ва Низомини тарғиб қилишда фаолдир. Биз ҳам баъзи бошқа муштарийлар сингари севимли рўзномамизнинг биринчи сони чиққан кун — **21 июнни Миллий матбуот куни** деб эълон қилиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлаймиз. Қалам заҳматкашлари — журналистларнинг ҳам ўз байрами бўлиши адолат юзасидан айтганда ҳаёт тақозосидир.

**Ўзбекистон ХДП Яккасарой район партия фаоллари йиғилиши қатнашчилари топшириғига биноан район кенгаши биринчи котиби**

**З. ДАВРОНОВ.**

## МАҚТОВНИ ПУЛГА СОТИБ ОЛМАЙМАН

**ДЕЙДИ ЖАРҚЎРҒОН ТЕМИР-БЕТОН ЗАВОДИНИНГ ДИРЕКТОРИ ЗОКИР РАМАЗОНОВ.**

**Қурилишнинг «масаллиғи» — цемент, металл, ёғоч танқис бўлиб турган бугунги кунда Жарқўрғон темир-бетон буюмлари заводи ишчилари сони кўпайиб бораётир. Янги йилдан бери корхонага саксонтача ишчи қабул қилинди, чунки иш кўпайиб кетяпти.**

Илгари «мажлислар зали», «истироҳат зали» ва яна бир қанча атамалар билан юритиладиган хоналарга пат гилам, туркманча, тақир гилам, атлас тўқийдиган дастгоҳлар ўрнатилди. Толани йигирадиган, арқовга ранг берадиган цехлар очилди. Ва жуда қисқа вақт ичида бир ярим миллион сўмлик олов монанд жилваланадиган гиламлар тўқилди. Тўқувчи косибларнинг ҳаммаси — заводга яқиндагина ишга кирган қизлар, қишлоқ қизлари. Эшитган-билганлар директорни ишига пишиқ экан, дейишяпти. Бир раис келиб, гилам тўқийдиган жиҳозларингиздан биттасини миллион сўмга бўлса ҳам бизга сотинг, деди. Рамазонов рад қилди. Унда одамларимизни юборайлик, сиздан касб — иш ўрганишсин, пул тўлаш — биздан деди. Шунга келишдилар.

— Шу орада вилоят телевидениесидан вакил келди. Саксон минг сўм пул берсангиз, телевизордан Сизни ярим соат мақтаймиз, деб айтди, — дейди Рамазонов. Пул берадиган бўлсам, мободо ёмон ишлаётган бўлсам ҳам мақтаб кўрсатсаларингиз керак-да, дедим. Вакил, музика пул тўлаганнинг буюртмасига биноан чалинади, деди. Мен бу гапга қўшилмадим. Энди, ўша саксон минг сўм ҳақида. Шу замонда бу кўп пул эмас. Лекин ўнта ишчининг бир ойлик маошига ярайди, ахир. Ҳозирча буюртма берганлар мақтаниб туришсин-чи...

Биз заводнинг ҳовлисини айландик. Битта лимонарийда ўтқазилган кўчатлар ҳосилга кирибди. Иккинчи лимонзор — буниси каттароқ, энди қурилмоқда. Завод туттзор барпо қилмоқчи. Пилла етиштирмоқчи. Патгиламларни ҳам пилла толасидан тўқимоқчи.

— Бундан кейин заводимизни ширкат деб атаса ҳам бўлаверар, — дейди Рамозонов. — Ширкат, биласиз, борига барака деган шиор билан ишлайди. Борига барака, деб яқин келажакда корхонамизда чарм камзуллар, бошқа кийим-кечаклар тикила бошланса, машина-тракторлар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилса, оврупоча технология билан пойабзал тайёрланса, ажаб эмас.

**О. УСАНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

*Ўзбекистон Республикасининг Қонуни*

# «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ КОРХОНАЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА»

**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, № 4, 78-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:**

**1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Ушбу Қонун мулкчиликнинг барча шаклига мансуб корхоналарни барпо этишнинг, улар фаолиятининг, уларни қайта ташкил этиш ва тугатишнинг умумий ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асосларини белгилаб беради.

Қонун фойда (даромад) олишни кўзлаб иш олиб борадиган корхоналарнинг мустақиллигини таъминлашга қаратилган бўлиб, уларнинг ҳуқуқлари ва масъулиятини белгилайди, бошқа корхоналар ва ташкилотлар, давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари билан муносабатларини тартибга солиб туради».

**2. 2-модда:**

1-бандининг:

иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«жисмоний шахсларнинг хусусий мулкига асосланган корхоналар;

ширкат (жамоа) мулкига асосланган жамоа, оила, маҳалла корхоналари, ишлаб чиқариш кооперативлари; хўжалик жамиятлари ва ширкатларига жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотларга қарашли корхоналар ҳамда жамоа мулкининг бошқа шаклларига асосланган корхоналар»;

давлат мулкига асосланган республика давлат корхоналари, Қорақалпоғистон Республикаси давлат корхоналари, вилоятлараро, вилоят, туманлараро, туман, шаҳар давлат корхоналари ва бошқа турдаги корхоналар»;

бешинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

олтинчи хатбошиси бешинчи хатбоши деб ҳисобланиб, қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«аралаш мулкка асосланган давлатлараро ва қўшма корхоналар ҳамда мулкчиликнинг турли шаклига мансуб, тўлиқ ёки ҳиссабай йўсинда иштирок этишга асосланган бошқа корхоналар»;

2-бандининг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасида корхоналарнинг республика қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳолда тузилган бошқа турлари ҳам иш олиб бориши мумкин».

**3. 3-модда:**

1-бандининг биринчи жумласида «Корхоналар» деган сўз «Мулкчиликнинг барча шаклига мансуб корхоналар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5-бандининг биринчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Ассоциация, бирлашма унинг таркибига кирувчи корхоналарнинг, суд ёки хўжалик судининг қарорига биноан тугатилади».

**4. 4-модда:**

1-бандининг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Мулкчиликнинг барча шаклига мансуб корхоналарни барпо этиш ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатлар ушбу Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солиб турилади».

3-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Ўзбекистон Республикасининг, бошқа давлатлар юридик шахслари ва фуқароларининг тўлиқ ёки ҳиссабай мулки бўлган корхоналарни (давлатлараро корхоналар ва қўшма корхоналарни) барпо этиш ҳамда улар фаолиятининг хусусиятлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва давлатлараро шартномалар (битимлар) билан белгилаб қўйилади».

**5. 5-модда:**

3-бандидаги «халқ депутатлари тегишли Совети» деган сўзлар «давлат ҳокимиятининг тегишли идораси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**6. 6-модда:**

1-бандининг биринчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Корхона давлат рўйхатидан корхона жойлашган ердаги давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларида, башарти Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, ўтказилади».

2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаб қўяди»;

3-бандининг учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суд корхонани рўйхатдан ўтказиш рад этилганлигини асоссиз деб топса, бу ҳол давлат ҳокимиятининг корхонани рўйхатдан ўтказишни рад этган идорасини моддий жавобгарликка тортишга (суд чиқимларидан ташқари) сабаб бўлади. Моддий жавобгарликнинг миқдори хўжалик суди томонидан белгиланади ва қонунда белгилаб қўйилган тартибда ундириб олинади»;

4-бандининг иккинчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин: «Олинган маблағ давлат ҳокимиятининг корхона рўйхатдан ўтказилган жойдаги идораси бюджети ҳисобига ўтказилади».

**7. 7-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«1. Корхона юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган шўъба корхоналар барпо этиш ва бу корхоналарнинг уставларини тасдиқлаш ҳуқуқига эга.

Корхона, шунингдек жорий ва ҳисоб-китоб счётлари очиш ҳуқуқига эга бўлган шўъбалар, ваколатхоналар, бўлимлар ва бошқа алоҳида бўлинмалар барпо этиш ҳамда улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳуқуқига эга.

2. Бундай корхоналар ва бўлинмаларни жойлаштириш масаласи давлат ҳокимиятининг тегишли маҳаллий идоралари билан амалдаги қонунларда белгиланган тартибда келишиб олинади».

**8. 9-модда:**

2-банди қуйидаги мазмундаги қисм билан тўлдирилсин:

«Мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналарнинг устав билан бошқарилмайдиган барча муносабатлари ушбу Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солиб турилади».

9. III бўлимнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«III бўлим. КОРХОНА МОЛ-МУЛКИНИНГ ЭГАСИ»**

**10. 10модда:**

номи ва матнидаги «Корхонанинг мулкдори», «Мулкдор (мулкдорлар)», «Корхонанинг мулкдори (мулкдорлари)», «Корхона мулкдори (мулкдорлари)» деган атамалар «Корхона мол-мулкнинг эгаси «Корхона мол-мулкнинг эгаси (эгалари)» деган атама билан алмаштирилсин.

2-бандида «фуқаролар» деган сўз «Ўзбекистон Республикасининг, бошқа давлатларнинг фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**11. 11-модда:**

3 бандининг еттинчи хатбошисида «фуқаролар» деган сўз «жисмоний шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4-банди «Корхона» деган сўздан кейин «мол мулкининг эгаси (эгалари) ёки у (улар) ваколат берган идоралар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Корхона мол-мулкининг эгаси (эгалари) ёки у (улар) ваколат берган идоралар, башарти қонун ҳужжатларида ва уставда ўзга қоидалар назарда тутилмаган бўлса, ишлаб чиқариш воситалари ва бошқа моддий бойликларни сотиш, бепул топшириш, ижарага беришга ҳақлидир, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ фуқароларнинг мулки бўла олмайдиган ёки улар фойдалана олмайдиган ишлаб чиқариш воситалари ва ўзга моддий бойликлар бундан мустасно.

**12. 12-модда:**

2-бандининг иккинчи қисми чиқариб ташлансин.

**13. 13-модда:**

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Корхонанинг юридик ва жисмоний шахслар маблағларини жалб этиши»;**

1-бандидаги «ҳуқуқий шахслар ва фуқароларнинг» деган сўзлар «юридик ва жисмоний шахсларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**14. 14-модда:**

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Юридик ва жисмоний шахслар, давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари томонидан корхонанинг мулкий ҳуқуқларини бузиш натижасида унга етказилган зарар суд ёки хўжалик суди қарорига кўра корхонага тўланади».

**15. 15-модда:**

2 банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Корхона раҳбарини ёллаш (тайинлаш, сайлаш) ва бўшатиш корхона мол-мулки эгасининг ҳуқуқи бўлиб, бу ҳуқуқни у бевосита, шунингдек ўзи ваколат берган идоралар орқали ёки корхонани бошқариш ҳуқуқи берилган корхона кенгаши, бошқаруви ёхуд бошқа идоралар орқали амалга оширади».

**16. 16-модда:**

2-бандидаги «мамлакатдаги ва чет элдаги» деган сўзлар «республикадаги ва бошқа давлатлардаги» деган сўзлар билан, «дирекциянинг» деган сўз эса «маъмуриятнинг» деган сўз билан алмаштирилсин.

**17. 17-модда:**

1-бандининг биринчи қисми «кенгаши» деган сўздан кейин «(бошқаруви)» деган сўз билан тўлдирилсин;

2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Корхона кенгаши (бошқаруви)нинг ҳуқуқ ва бурчлари корхона мол-мулкининг эгаси ёки у ваколат берган идоралар тасдиқлайдиган Кенгаш (бошқарув) тўғрисидаги низом билан белгилаб қўйилади».

**18. 18-модда:**

номи ва матнидаги «фойда», «фойдадир», «фойдани» деган сўзлардан кейин «(даромад)», «(даромаддир)», «(даромадни)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2-бандининг:

биринчи қисмидаги биринчи жумла «ўтади» деган сўздан кейин «ва қонунларда назарда тутилганидан бўлак ҳолларда тортиб олинмайди» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи қисми чиқариб ташлансин.

**19. 19-модданинг** 2-бандидаги «ҳужжатлари», **21-модда** 4-бандининг биринчи қисмидаги ва **26-модда** 2-бандининг иккинчи қисмидаги «қонун ҳужжатлари» деган сўзлар «қонунлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**20. 21-модда:**

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Корхонанинг бошқа корхоналар, ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахслар билан хўжалик муносабатлари»;**

1-бандидаги «ва фуқаролар» деган сўзлар «юридик ва жисмоний шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**21. 24-модда:**

1-банди «Фойда» деган сўздан кейин «(даромад)» деган сўз билан тўлдирилсин;

4-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Иш ҳақи тўлаш, бюджетга тўловлар, шунингдек давлат мажбурий суғурта турлари юзасидан суғурта тўловлари ва нафақа фондига тўловлар барча корхоналар, шу жумладан қишлоқ хўжалиги корхоналари учун ҳам биринчи галдаги тўловдир. Ҳисоб-китобларнинг бошқа турларини корхоналар тақвим тартибига мувофиқ амалга оширадилар»;

5-банди «бошқа корхоналарга» деган сўзлардан кейин «ёки банкларга» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**22. 26-модда:**

2-бандининг иккинчи қисмидаги иккинчи жумла «валюта маблағини» деган сўзлардан кейин «қонунларда назарда тутилганидан бўлак ҳолларда» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**23. 27-модда:**

1-бандининг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Корхона амалдаги қонунларда белгилаб қўйилган тартибда ва миқдорда давлат ижтимоий суғурта фондига ҳамда аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш фондига пул ўтказиши шарт».

**24. 28-модда:**

2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Меҳнат жамоасининг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари, корхонани барпо этиш тўғрисидаги таъсис ҳужжатлари, корхона устави, корхона маъмурияти (мол-мулки эгаси) билан меҳнат жамоаси ўртасида тузилган шартномалар билан белгилаб берилади.

Корхона меҳнат жамоаси ваколатларини амалга оширишнинг асосий шакли умумий йиғилиш (конференция)дир».

**25. 29-модда:**

тўртинчи хатбошиси «кенгашига» деган сўздан кейин «(бошқарувига)» деган сўз билан тўлдирилсин;

бешинчи хатбошисидаги «отпускалар» деган сўз «таътиллар» деган сўз билан алмаштирилсин.

**26. 31-модда:**

2-бандининг:

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Республика ва маҳаллий давлат, жамоат ҳамда кооператив идоралари ва уларнинг мансабдор шахслари корхонага дахлдор қарорлар қабул қилиш чоғида ва ўзларининг шу корхона билан муносабатларида ушбу Қонуннинг қоидаларига риоя этилиши учун жавобгардирлар»;

иккинчи қисми «Давлат идоралари» деган сўзлардан кейин «ва ўзга идоралар» деган сўзлар билан тўлдирилсин; «давлат ҳакамлигига» деган атама «хўжалик судига» деган атама билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги охирги жумла қуйидаги таҳрирда баён этилсин: «Зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги низоларни хўжалик суди ўз ваколатларига мувофиқ ҳолда ҳал қилади».

**27. 33-модда:**

1-бандининг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат статистика ҳисоботининг шаклларини давлат статистика идоралари, бундай ҳисоботларни тақдим этиш тартибини эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди»;

2-банди «интизомий» деган сўздан кейин «маъмурий» деган сўз билан тўлдирилсин.

**28. 36-модда:**

1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Корхона молия-хўжалик фаолияти корхона мол-мулки эгасининг ташаббусига биноан тафтиш қилиниши мумкин»;

2-бандига «юкланган солиқ» деган сўзлардан кейин «молия» деган сўз, «давлат идоралари» деган сўзлардан кейин «аудиторлик хизматлари» деган сўзлар киритилсин.

**29. 37-модда:**

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Корхонанинг давлат ҳокимияти маҳаллий идоралари билан муносабатлари»;**

2-бандининг:

биринчи қисмидаги «халқ депутатлари маҳаллий Советлари» деган атама «давлат ҳокимиятининг маҳаллий идораси» деган атама билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «халқ депутатлари маҳаллий Советининг» деган атама «давлат ҳокимияти маҳаллий идорасининг» деган атама билан алмаштирилсин;

3-бандидаги «халқ депутатлари маҳаллий Советлари» деган атама «давлат ҳокимиятининг маҳаллий идоралари» деган атама билан алмаштирилсин.

**30. 38-модда:**

1-бандининг:

биринчи жумласида «ҳакамликнинг» деган сўзлар «хўжалик судининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Синган корхоналарни тугатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солиб борилади».

**31. 39-модда:**

1-бандининг:

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Корхона мол-мулк эгаси ёки у ваколат берган идора тузган, корхона синган тақдирда эса хўжалик суди тузган тугатиш комиссияси томонидан тугатилади. Мол-мулк эгасининг қарорига биноан корхонани унинг бошқарув идораси тугатиши мумкин»:

иккинчи қисмида «(ҳакамлик)» деган сўз «(хўжалик суди)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2-бандининг иккинчи қисмида «давлат ҳакамлиги ёки суд» деган сўзлар «хўжалик суди» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**32. 40-модда:**

1-банди қуйидаги мазмундаги қисм билан тўлдирилсин:

«Юридик шахс — гаровга қўювчи қайта ташкил этилган ёки тугатилган тақдирда гаровга олувчи гаров билан таъминланган мажбуриятнинг ижро муддатидан қатъи назар ундиришни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш ҳуқуқини қўлга киритади»;

3-бандида «суд ёки давлат ҳакамлигига» деган сўзлар «хўжалик судига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**33. 1, 13, 14, 16, 21, 35-моддалардан** «ССР Иттифоқи», «ССР Иттифоқи ва», «СССР ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

34. **2-модданинг** 2-бандидан, 34-модданинг 2-бандидаги иккинчи қисмидан «СССР Ҳукумати» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

35. **2-модданинг** 2-бандидаги биринчи қисмида, **4 ва 8-модданинг** 2-бандларида, **34-модданинг** 2-бандидаги иккинчи қисмида «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Кабинети» деган атама «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси» деган атама билан алмаштирилсин.

36. **26-модданинг** 2-бандидан «Иттифоқ» деган сўз чиқариб ташлансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**
**И. КАРИМОВ.**
Тошкент шаҳри,
1993 йил 7 май.

---

*Ўзбекистон Республикасининг*

## *ҚОНУНИ*

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН ХАЛҚАРО МОЛИЯ ИНСТИТУТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ХАЛҚАРО ЗАЁМ ВА КАФОЛАТЛИ ШАРТНОМАЛАР ҲАМДА БИТИМЛАРНИ ТУЗИШ ВА ДЕНОНСАЦИЯ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

Ушбу қонун чет эл сармояларини жалб этиш жараёнини тезлаштиришни таъминловчи зарур ҳуқуқий шароитларни яратади.

**1-модда**

Ўзбекистон Республикаси тўла ҳуқуқли аъзо бўлган халқаро молия институтлари билан заём ва кафолатли шартномалар ҳамда битимларни имзолаш ва денонсация қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг раисига ва у ваколат берган идораларга тегишлидир.

**2-модда**

Халқаро молия институтлари билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги заём ва кафолатли шартномалар ҳамда битимлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳамда у ваколат берган органлар томонидан тузилгач, ратификация қилинмайди ва Ўзбекистон Республикаси учун имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**
**И. КАРИМОВ.**
Тошкент шаҳри,
1993 йил 7 май.

---

# МИЛЛИЙ СЕМИНАР ИШ БОШЛАДИ

7 июнь куни Тошкентда «Меҳнат бозори ва Ўзбекистон аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш» мавзуидаги миллий семинар иш бошлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ташаббуси билан ўтказилаётган ушбу анжуманда республика ижтимоий таъминот, Меҳнат, Молия ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Умумжаҳон банки, Германия техник ҳамкорлиги жамияти вакиллари, Марказий Осиё давлатларидан келган ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича малакали мутахассислар ва 20 нафардан зиёд халқаро экспертлар иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, ташкилий қўмита раиси М. Қорабоев анжуманни очар экан Умумжаҳон банки доимий ваколатхонаси раҳбари ва Германия техник ҳамкорлиги жамиятининг вакили Парвез Ҳасан жанобларига, жаноб Карлфрид Мецлерга анжуманни ташкил этишда фаоллик кўрсатганлари учун миннатдорлик билдирди.

Шундан сўнг Республика Бош Вазири А. Муталов Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг семинар қатнашчиларига йўллаган табрик хатини ўқиб берди.

Дунё миқёсидаги йирик мутахассис ва иқтисодчи олимлар тўрт кунлик анжуман давомида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муаммоларини муҳокама қиладилар. Анжуманда, шунингдек, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида амалга оширилаётган ибратли ишлар, бу борада Ўзбекистонда ишлаб чиқилган дастурлар, ижтимоий ислоҳот бўйича бошқа ҳужжатлар, концепциялар дунё андозаси даражасида ўрганилиши кўзда тутилган.

(ЎзА).

---

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноий ишлар бўйича судлов ҳайъати 7 июнь куни Олий суд аъзоси Р. Алимқулов раислигида, давлат айбловчиси О. Юнусов ва адвокат В. Сподик иштирокида республиканинг собиқ вице-президенти Ш. Мирсаидовга нисбатан қўзғатилган жиноий ишни кўриб чиқа бошлади. Тергов идоралари Ш. Мирсаидовни хизмат мавқеини суиистеъмол қилишда айблаганлар. Яъни у пахта етказиб бериш хусусида битим тузиш ва уни амалга ошириш чоғида хорижий фирма раҳбари Ш. Шоҳнавозга ҳомийлик қилган ва бу билан Ўзбекистон иқтисодиётига жуда катта — 5 миллион 508 минг АҚШ доллари миқдорида зарар етказган.

Бундан ташқари Ш. Мирсаидов ўзининг бир қанча қариндошларига Тошкент шаҳрида ғайриқонуний йўл билан ер участкалари ажратиб беришда айбланган.

Қонунда кўзда тутилганидек, судланувчининг айбдор ёки айбдор эмаслиги масаласини Олий суд ҳал қилади.

**(ЎзА).**

---





# ПЕШҚАДАМЛАР

**1981 йил Қорақалпоғистон Республикасида унутилаёзган сополчилик яна тикланди. Зеро ўшанда сополчилик цехи очилганди. Эндиликда чимбойликлар тайёрлаган маҳсулотлар элимизга манзур бўлмоқда. Айни пайтда бу ерда 18 турдаги сопол буюмлар, тайёрланмоқда. Айниқса лаган, коса, ликопчалар харидоргирлиги билан ажралиб туради.**

**СУРАТДА: (чапда) корхонанинг безатувчи рассоми Роза Болтабоева.**

**Яқинда Сурхондарё вилоятининг Қизириқ районида шахсий ёрдамчи хўжалик эгалари республика ассоциацияси аъзолари бўлган фермерлар учун ихтисослаштирилган дўкон очилди. Шуниси қувончлики, бу маҳсулотлар бошқа дўконлардагига нисбатан анча арзон. Бу ерда фермерлар қишлоқ хўжалик машиналари учун эҳтиёт қисмлар ва томорқа учун зарур бўлган буюмларни сотиб олишлари мумкин.**

**«Узагроснабремонт» корхонаси ҳудудида жойлашган дурадгорлик цехида тайёрланаётган маҳсулотлар тури хилма-хил. Турли дераза ромлари, эшиклар, сандиқлар ва бошқа муҳим буюмлар шу ерда сотилади. Дўконда бор-йўғи икки киши ишлайди. Дурадгорлик цехи маҳсулотлари меҳнаткашларга 30 фоиз арзонлаштирилган ҳолда сотилаётир. Ўнгдаги суратда дурадгор Салом Остонов эшик ва ром тайёрламоқда.**

**К. ЎРОЗОВ ва И. ХЎЖАЕВ**

**(ЎзА) олган суратлар.**

---

*• Мутахассис таклифи*

# САМАРАДОРЛИК — ИҚТИСОДИЙ ЎНГЛАНИШ КАФОЛАТИ

### ШУ ТАЛАБГА ҚАТЪИЙ АМАЛ ҚИЛИНСАГИНА ШАРТНОМА ШАРТЛАРИ БАЖАРИЛАДИ

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнлари оғир кечаётгани ҳеч кимга сир эмас. Буни «Ўзшартномасавдо»нинг «Ўзжиҳозбутлаш» республика фирмаси фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Бизнинг ташкилот асосан республикамизда қурилаётган иншоотларни жиҳозлар билан бутлайдиган ягона фирмадир. Фирма 2 минг турга яқин жиҳозларни завод, фабрика ҳамда янги қурилаётган корхоналарга шартнома асосида етказиб беради.

Булар — турли дастгоҳлар, насослар, вентилятор ва совутгичлар, электр двигателлари, турли ўлчамдаги кранлар, лифт ва автоматлар, компрессор, пресс ҳамда элеваторлар, кабель маҳсулотлари-ю ёритиш жиҳозларидир.

Республикамиз мустақиллиги шарофати билан янги иншоотлар қурилиши ортиб бормоқда. Афсуски, бундай янги иншоотларни янги буюмлар билан жиҳозлаш долзарб муаммога айланиб қолаётир.

Бунга сабаб аввало собиқ Иттифоқнинг парчаланиб кетиши оқибатида саноат ишлаб чиқаришининг барча тармоқларидаги тарихан таркиб топган иқтисодий ришталарнинг узилганлиги бўлса, ундан кейин Ҳамдўстлик мамлакатларидаги бундай маҳсулотлар тайёрловчи саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш ҳажми кескин пасайиб кетганидир.

Амалда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни четга чиқариш қисқартирилиб, ўз ички эҳтиёжлари учун ишлатмоқдалар. Аммо бу йўл билан бирорта мамлакат ўз ички ишлаб чиқариш ҳисобидан ўзини-ўзи таъминлай олмайди. Мисол учун саноати ривожланган Россиядек мамлакатни олайлик. Бу ерда қора ва рангли металлургия, станоксозлик, нефть-газ саноати, кимё, резина-техника, қоғоз ишлаб чиқариш ривожланган. Аммо, бу ерда ҳам юқорида санаб ўтилган маҳсулотга бўлган эҳтиёжларнинг фақат 75—90 фоизи қондирилмоқда, холос.

Сир эмас, биз кўплаб маҳсулотларни асосан Россия, Украина, Болтиқбўйи давлатлари, Арманистон, Гуржистон ҳамда Қозоғистондан оламиз. Бў давлатлардан келтириладиган моллардан фақат вентилятор ҳамда совутгични олайлик. Биз яшаб турган минтақанинг иқлим шароитини ҳисобга олсак, бу молларга талаб катта.

Шартномада кўрсатилган маҳсулотларни ололмаётганимизнинг яна бир сабаби, биз билан шартлашган шерикларнинг «Пул бўлса, чангалда шўрва» қабилида иш тутаётганлигидир.

Тўғри, баъзан бизга мол етказиб берувчи корхоналар қийин аҳволга тушиб қолмоқда. Шундай пайтларда улар бизга телеграмма йўллаб, нарх-наво тез ўзгариб бораётганлигини ҳисобга олиб, ускуналарни жўнатганликлари ҳақида хабар бера бошладилар. Куни кеча Украинанинг Дубна шаҳридан 64 та ҳаво совутгичлари, Душанбедан 2 вагон (50 дона) чангсўргич ускуналар олдик. Тезда пулини ўтказиб юбордик.

Лекин бошқача ҳолатлар ҳам учраб турибди. Ереવандан олинган телеграммада таъкидланишича, йўллар берклиги сабабли Ўзбекистонга металл кесадиган станоклар жўнатилмас эмиш. Шунингдек, фирмамиз Болтиқбўйи давлатлари, Украина ҳамда Россиядан ҳам қурилиш учун зарур бўлган дастгоҳлар, кран-балкалар, бетон қориш ускуналари, газ плиталари фақат пул ўтказилгандан кейин юборилиши ҳақида маълумот олди.

Қисқаси, четдан келтирилаётган турли хилдаги маҳсулотлар билан таъминлаш қониқарсиз аҳволда. Бу халқ хўжалиги иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бугунги кунда барчамиз эртанги кун умиди билан яшаяпмиз. Зеро, иқтисодиётни ўнглаб олиш ишлаб чиқариш самарадорлигига боғлиқ. Бунинг учун, менинг назаримда, саноат корхоналари учун дам олиш кунларини эмас, иш кунларини кўпайтириш керак. Иш кунлари кўпайса, маҳсулот ҳам кўпаяди. Таъминотдаги узилишларга барҳам берилиб, шартнома шартлари бажарилишига эришилади.

**Эркин ИБРОҲИМОВ,**
**«Ўзжиҳозбутлаш» фирмаси ходими.**

